УзССР Давлат китоб палатаси

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 30 (8. 228) ◆ 1993 йил 17 февраль, чоршанба ◆ Нархи 5 сўм

СУРАТДА: учрашув чоғида. А. Зуфаров олган сурат. (ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония Ташқи ишлар вазирлиги иқтисодий ҳамкорлик бошқармаси бош директорининг ўринбосари Хидеаки Уэда раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Қабул чоғида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий, илмий-техникавий алоқаларни кенгайтириш, молиявий ёрдам ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя солиш масалалари ҳақида сўз борди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ УЧУН НИЗОМДАГИ САРМОЯНИНГ ЭНГ ОЗ МИҚДОРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва банк муассасалари ўртасида соғлом рақобатчиликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг:

1993 йилнинг 1 июлидан бошлаб амалдаги ва янгидан ташкил қилинадиган тижорат банклари учун низом жамғармасининг энг оз миқдорини 100 миллион сўм, кооператив ва хусусий банклар низом жамғармасининг энг оз миқдорини 50 миллион сўм қилиб белгилаш тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан 1993 йилнинг 1 июнигача тижорат, кооператив ва хусусий банкларни мазкур фармоннинг 1-банди талабларини ҳамда уларнинг бундан буён ишлаши қай даражада мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги таклифларни белгиланган тартибда республика Олий Кенгашига тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 16 февраль.

МУСТАҚИЛЛИК КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

1918 йил 16 февраль куни Литва мустақил республика, деб эълон қилинган эди. Кеча Тошкентдаги Литва маданий уюшмаси фаоллари шу сананинг 75 йиллигини нишонлаш мақсадида «Средазэлектросетьстрой» трестининг махсус қурилиш-монтаж бошқармаси мажлислар залида тўпландилар.

Йиғилиш олдидан Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янгради. Шундан сўнг, Ўзбекистон халқ депутати Елена Шевелёва йиғилганларни Литва мустақиллигининг 75 йиллиги билан табриклади, литвалик шоир Саломея Нерис ва ўзбек адиби Ғафур Ғулом ижодидан ўқиди.

Литва маданий уюшмасининг раиси Иозас Дервинис 1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан кейин Ўзбекистоннинг равнақи йўлида юзлаб литвалик турли касб усталари меҳнат қилганлигини, республикамиз улар учун иккинчи она-Ватани бўлиб қолганлиги ҳақида тўхталди. У ўзбек халқи нафақат меҳнатсеварлиги ва меҳмондўстлиги, балки тинчликсеварлиги, дўстликни қадрлаши билан ҳам жаҳон ҳамжамияти назарига тушганлигини таъкидлади. Айниқса, истиқлолга юз тутгандан кейин республикамизнинг келажак сари тез ва дадил одимлаётгани литваликларни қувонтиради, Биз Президентимиз И. А. Каримов сиёсатини маъқуллаймиз.

Литва мустақил республикасининг 75 йиллиги муносабати билан йиғилганлар бир пиёла чой устида дўстона суҳбатни давом эттирди. Дастурхонга литваликларнинг севимли миллий таоми «Циплина» ва ўзбек палови тортилди.

Шу билан бирга яқиндагина Литванинг Президенти этиб сайланган А. Бразаускаснинг ҳам Ўзбекистон билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашини истар эдик.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

* *Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасида*

ШАҲАРДА ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ВА ТОЗАЛАШ ОЙЛИГИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

ТОШКЕНТ шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбеков шаҳар яшил хўжалигини сақлаш ва кўпайтириш, шунингдек сув иншоотлари ҳолатини яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳрида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ойлигини ўтказиш тўғрисида фармойиш чиқарди. Унда шаҳар туманлари ҳокимликларига «Наврўз» халқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бу ишларни 1993 йил 15 мартгача бўлган муддатда тугаллаш вазифаси юклатилди.

1993 йил 1 мартдан 1 апрелгача Тошкент шаҳрида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ойлиги ўтказилади.

Шаҳар ҳудудида дарахт ниҳоллари ва кўчатлар ўтказиш режаси тасдиқланди. Шунга кўра шаҳарда 16 минг тупдан кўпроқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 80 мингтага яқин бута ўтқазилиши керак.

Район ҳокимликлари, шаҳар бош бошқармалари, трест ва ташкилотлари кўпроқ мева дарахтлари, айниқса ёнғоқ, гилос, олма ўтқазишга эътиборни кучайтиришлари лозим.

Манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат хўжалигига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти томонидан етиштирилган ёнғоқнинг янги навларини гул дўконлари орқали сотишни ташкил қилиш топширилди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига шаҳарни ободонлаштириш ва тозалаш ойлигини мунтазам ёритиш таклиф этилди.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

⊙ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон—келажаги буюк давлат» китоби ва Вазирлар маҳкамасининг 12 февралдаги мажлисида республикамиз раҳбари сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган Самарқанд вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

⊙ Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия комитети «Партия ташкилотларининг 1993 йилги Наврўз байрамини ўтказишдаги вазифалари тўғрисида» қарор қабул қилди.

⊙ Бухорода туркман миллий-маданий маркази тузишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда ушбу марказнинг дастури ва низоми қабул қилинди.

⊙ Кеча Тошкентда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга бағишланган республика анжумани очилди. Унда сўзга чиққан нотиқлар оналар ва болалар ҳаётлигини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ва бажарилиши керак бўлган вазифаларга тўхталдилар.

⊙ Тошкентнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари метрода шубҳа остига олинган фуқарони ушладилар. Унинг ёнидан иккита жанговар граната чиқди. Ҳозир тергов ишлари олиб борилмоқда.

ҲАМДЎСТЛИКДА

⊙ Кеча кечқурун Кремлда ёпиқ эшиклар ортида Россия Президенти Борис Ельцин ва Олий Кенгаш Раиси Руслан Хасбулатовнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда ўтказилиши мўлжалланаётган референдумга оид масалалар муҳокама этилди.

⊙ Украина Президенти Леонид Кравчук Донбассга келди. У Луганск вилояти тадбиркорлари ва саноатчилари кенгаши аъзолари билан учрашди.

⊙ Москвадаги халқаро валюта биржасининг навбатдаги савдосида Американинг бир доллари 559 рублни ташкил этди.

⊙ 16 февралдан Москвада автобус, трамвай ва троллейбусда бир марта юриш ҳақи 4 сўм, метрода эса 6 сўм бўлди.

⊙ Отаси туғилган куннинг 120 йиллик тантаналарига бағишланган маросимда қатнашиш учун Римдан ташриф билан келган Федор Шаляпиннинг 88 ёшли қизи Татьяна Шаляпина вафот этди. Ҳозир марҳумани Новодевичье қабристонига — отаси ёнига қўйиш таклифлари муҳокама қилинмоқда.

ХОРИЖДА

⊙ АҚШ Президенти Билл Клинтон миллий телевидение орқали сўзга чиқиб, америкаликларни иқтисодиёт муаммоларини ҳал қилишда қўшимча солиққа ҳисса қўшишга даъват этди.

⊙ Камбоджа Олий миллий кенгашининг раиси шаҳзода Нородом Сианук ўз номзодини мамлакат президентлигига қўймаслигини айтди.

⊙ Ҳиндистонга расмий ташриф билан борган Тожикистон Вазирлар Кенгашининг Раиси А. Абдуллажонов Тожикистон билан Ҳиндистоннинг биргаликда ҳамкорлик принциплари ва йўналишлари тўғрисидаги декларацияни имзолади.

⊙ Болгарияда энергия манбаларининг нархи яна кўтарилди. 93-бензин нархи 19 лев бўлди. Бу АҚШнинг қарийб ярим доллари ёки 300 рубль демакдир.

⊙ Бугун АҚШ Давлат котиби У. Кристофернинг Яқин Шарққа ташрифи бошланади. Бундан мақсад декабрь ойида тўхтаб қолган араб ва исроил музокараларини яна бошлаб юборишга эришишдир.

ДИЛ ВА КЎЗ ҚУВНАЙДИ

* *Суратли лавҳа*

ШУ кунларда Сергели-6 мавзеида бўлган киши худди ўзини йирик қурилишлар мажмуаси қад кўтараётган катта бир масканга тушиб қолгандек ҳис этади. Қаторқатор тўққиз қаватли биноларнинг, эндигина пойдевори қад ростлаган иншоотлар дил ва кўзни қувнатади. Бу ерда 29 та уй қурилиши мўлжалланган. Ҳозиргача улардан 8 тасида бунёдкорлик ишлари тугалланиб, фойдаланишга топширилди. Агар бу уйларнинг ҳар бирида юздан ортиқ оила истиқомат қилаётганини айтадиган бўлсак, таҳминий умум рақамни чиқариб олиш ҳеч гап эмас.

Шу ўринда ҳўш, шунча оилага қувонч бағишлаган қурувчилар қайси ташкилот ёки бошқарманинг бунёдкорлари деган савол туғилади. Булар асосан 1-уйсозлик комбинатининг 31-қурилиш бошқармаси ҳамда шу комбинатга қарашли 1, 3-пардозлаш бошқармасининг бинокорларидир. Шу азаматларнинг саъй-ҳаракатлари билан қисқа муддат ичида катта мавзе вужудга келдики, у Сергели даҳасидаги ҳеч бир мавзедан қолишмайди.

Биз бу ерга келган кунимиз ҳам иккита уй фойдаланишга топширилган экан. Уларга кўчиб кираётган бахтиёр оилаларнинг бир нечтаси билан суҳбатлашдик, дил сўзларини тингладик. Жумладан, меҳнат кексаси Собир Ҳамидов ўз қувончини шундай баён этди:

— Бозор иқтисодиёти ҳукм сураётган шундай дамларда ҳам биз, меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдормиз.

Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Обид Норбоев билан у кўчиб кирган уч хонали уйда бир пиёла чой устида гурунглашдик.

— Беш кишилик оиламиз билан 10 йил ўрасида ётоқхоналарда, ижарада қийинчилик билан яшадик. Мана ниҳоят бугунги кунга келиб бизга ҳам янги уй тегди. Уйжойга муҳтож биз каби кишиларга мана шундай серҳашам биноларни қуриб бераётган бунёдкорларга раҳмат!

Хоналарни айландик. Меҳмонхона кенг ва ёруғ. Иккита ётоқхона ҳам ўзига хос бежирим қилиб қурилган. Паркет пол ярқираб турибди. Уй соҳибининг фикрича қолган барча хоналар ҳам бекамми кўст жиҳозланган.

Бу ердан чиқиб тўғри кранлар хартуми осилиб турган қурилиш майдонига йўл олдик. Участка бошлиғи Илҳом Маҳмудовни бетончилар орасидан топдик.

— Ташқаридан қараган кишига ҳамма нарса яхшидек туюлади, — дейди у. — Уйлар бирин-кетин фойдаланишга топширилянти. Уларга оилалар кўчиб киришаянти. Лекин бу биноларнинг қандай бунёд бўлаётир? Материал танқислиги қийнаб келянти. Лекин на илож. Бор имкониятни ишга соляпмиз. Палон нарса йўқ деб қўл қовуштириб ўтирмаяпмиз. Бошлиқларимиз ҳам бизни ишсиз қолдирмасликка ҳаракат қилишаянти.

Намунали бригадалар ҳақида сўз борганда участка бошлиғи Муҳаммаджон Ниёзов, Альберт Миродьян, Геннадий Моргунов сингари жамоаларни тилга олди. Ҳозир бу бригадалар 6, 10, 24, 27-биноларнинг турли қаватларини тиклашаянти.

Пардозловчиларга Эркин Холматов ишбошчилик қилмоқда. Улар бир йўла учта уйда сайқал ишларини олиб боришмоқда.

— Қийинчиликлар бор. Лекин ҳадеб нолийвериш билан иш битмайди. Пардозловчиларимизнинг руҳини кўтаришга иложи борича ҳаракат қиляпмиз.

Куни кеча яна бир бинода сайқал ишларини тугалладик. Ҳозир бино фойдаланишга қабул қилиб олиняпти.

— Демак эрта-индин бу бинода ҳам уй тўйлари экан-да? — кулиб сўраймиз иш бошидан.

— Ҳа, уй тўйлари кўпаяверсин, — дея жавоб берди у.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТЛАРДА: янги қурилаётган Сергели-6 мавзесининг умумий кўриниши; илғор бетончи-йиғувчи Фурқат Қосимов; пардоздан чиқарилган бино.

Муаллиф суратлари.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Шу йил 12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда 1992 йил якунлари муҳокама қилинди. Республикада иқтисодий ислоҳотни амалга оширишдаги камчиликлар очиб ташланди ва шуни ҳисобга олиб 1993 йилги вазифалар белгилаб берилди. Вазирлар маҳкамасининг қуйида эълон қилинаётган қарорида шу вазифалар ўз ифодасини топган.

Вазирлар маҳкамаси 1992 йилнинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашида, ҳар бир вилоят, ҳар бир шаҳар ва туман ҳокимликларида муҳокама қилиш тўғрисида қарор қабул этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1992 ЙИЛГИ ИШ ЯКУНЛАРИ, БЮДЖЕТНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ИЖРОСИ ҲАМДА 1993 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджетнинг белгиланган кўрсаткичлари ижросини таъминлаш, истеъмол бозорини мол билан тўлдириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини кучайтириш юзасидан ўтган йилнинг охирида эришилган ижобий тамойилларни мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитетининг «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги тармоқларининг 1992 йилги иш якунлари, бюджетнинг асосий кўрсаткичлари ижроси ҳамда 1993 йилда республика иқтисодиётини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин ҳамда муҳокама этиб, аниқ амалий чора-тадбирлар кўриш учун вазирликларга, идораларга, концернларга, уюшмаларга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашига, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳокимларига юборилсин.

Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитетининг маърузасида республика халқ хўжалиги тармоқларидаги иқтисодий ислоҳотни рўёбга чиқариш, иқтисодиётни бошқаришнинг тузилишини янада такомиллаштириш қандай бораётгани тўла-тўкис таҳлил этилмаганлиги, деҳқончилик соҳасидаги ва сармоя сарфлаш борасидаги ўзгаришларнинг хусусиятлари очиб берилмаганлиги, молиявий барқарорлашувни таъминлаш, корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ҳисоб-китобларни нормал изга солиш йўллари кўрсатилмаганлиги қайд этилсин.

2. Вазирликлар, идоралар, давлат комитетлари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув идоралари республика халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш, унинг кўмакчи тузилмаларини вужудга келтириш, иқтисодиётни барқарорлаштириш соҳасидаги ишни етарлича фаол ўтказмаётганликлари қайд қилинсин.

Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ҳокимларининг (Турсунов, Абдураҳмонов, Бердиевларнинг) диққат-эътибори бюджетни тўлдириш заҳираларини қидириб топиш, саноат ишлаб чиқаришининг пасайишига йўл қўймаслик, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва чорвачилик маҳсулотлари харид қилишни кўпайтириш, ўзларига қарашли жойлардаги аҳолини шу маҳсулотлар билан зарур миқдорда таъминлаш соҳасидаги иш етарли эмаслигига қаратилсин.

Республика учун ҳаётий муҳим маҳсулот ишлаб чиқариш пасайишига йўл қўйган Ўзбекистон Давлат химия саноати концерни, Ўзбекистон Давлат металлургия саноати концерни раҳбарлари (Мирҳўжаев, Мақсудов)нинг қониқарсиз ишлаганлиги қайд этилсин ва улардан ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, ички бозорни мол билан таъминлаш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш юзасидан зарур бўлган ҳамма чора-тадбирларни кўриш талаб қилинсин.

3. Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитети (Ҳамидов) Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети, бошқа вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув идоралари билан биргаликда бундан буён халқ хўжалиги тармоқларининг ҳисобот давридаги иш якунларига оид материалларни ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш негизида тайёрлаб, уларни келгусида босқичма-босқич ривожлантиришни таъминлашга оид аниқ-равшан таклифлар ишлаб чиқсин.

Бунда қуйидаги бешта асосий қоидага риоя этилсин:

иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, иқтисодиёт мафкурадан халос қилиниши лозимлиги;

асосий ислоҳотчи давлатдир. Бозор муносабатларига ўтишни изчиллик билан амалга ошириш чоғида иқтисодиётни давлат йўли билан бошқариш жиловини қўлдан бериб бўлмайди, халқ хўжалиги бошқариладиган бўлишини таъминлаш лозим;

ҳамма жойда бошқарувнинг барча поғоналарида ижрочилик интизоми ва ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамлансин, Республика Конституциясининг ва қонунларининг устиворлиги таъминлансин;

аҳолини, айниқса унинг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш воситаларини яратиш, кўрсатиладиган ёрдам кимларга берилишини аниқ белгилаб қўйиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир;

бозор муносабатларини шакллантириш босқичма-босқич амалга оширилади. Жорий даврда вазифалари ҳал этилишига қараб навбатдаги босқичларга ўтилади, бу эса бошбошдоқликка йўл қўймаслик, қийинчиликларни бартараф этиш, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини сақлаб қолиш имконини беради.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Боқибоев):

Ўзбекистон Республикаси марказий банки билан биргаликда шу йилнинг биринчи ярмида мавжуд давлат заёми билан бир қаторда бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш ва сотиш орқали бюджет камомадини пул билан таъминлаш воситасини яратиш масалаларини пухта ишлаб чиқсин.

Шу йилнинг биринчи чораги якунлари юзасидан давлат солиқ бош бошқармаси билан биргаликда амалдаги солиқ тизими ва бериб қўйилган имтиёзларнинг ишлаб чиқаришни, ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантириш, умуман иқтисодиётни соғломлаштириш учун таъсирини ўрганиб чиқиб, шу йил 15 майга қадар Вазирлар маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар ва уюшмалар билан биргаликда шу йил 1 апрелга қадар халқ хўжалиги тармоқлари бўйича ўз айланма маблағлари нормативларини белгиласин, унда бозор муносабатларини шакллантириш шароитида корхоналарнинг барқарор ишлаб чиқариш-молия фаолиятини таъминлашни, ўз молиявий имкониятларидан самарали фойдаланиш учун уларнинг иқтисодий масъулиятини оширишни ҳисобга олсин;

(Давоми 2-бетда).

** Тест услубида синов*

Қобилиятлилар— олий ўқув юртига!

Тошкент Давлат техника дорилфунунида компьютер талабалар учун ўзига хос имтиҳон олувчи машинага айланди. Бу ерда компьютер ёрдамида бўлажак мутахассисларнинг билимларини ва уларнинг тайёргарлик даражасини холис баҳолашга имкон берадиган тест усули жорий этилди. Дорилфунун олимлари ва муаллимлари ишлаб чиққан бу усул бутун семестр давомида талабаларни ўқитиш жараёнини назорат қилишга, муаллим ишининг сифатини аниқлашга ёрдам беради.

Бу ерда математика, физика, информатика каби фанлар соҳасида тест усули қўлланилмоқда. Бу усул талабаларнинг умумий таълим ва асосий фанлардан олган билимларини текшириш учун ҳам таълим жараёнига фаол жорий этилмоқда.

Тошкент Давлат техника дорилфунуни Республикадаги бошқа олий ўқув юртлари қаторида ўтган йили бўлажак талабалардан тест усулида саралаш йўли билан ёзги кириш имтиҳонларини олишга доир тажрибага қўшилгани тасодиф эмас. Бу ерда бўлажак муҳандисларга таълим бериш жараёнида тест усулини қўллаш соҳасида муайян тажриба тўпланган. Олий ўқув юрти сифат жиҳатидан тағин ҳам юқори савиядаги мутахассислар тайёрлашнинг янги йўналишларини амалга ошириш соҳасида кўп иш қилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан олий ўқув юртларида таълим олиш нуфузини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди. Республикада таълим тўғрисида қонун қабул қилинди. Уни амалга ошириш, таълимни ривожлантиришни таъминлайдиган сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий чора-тадбирлар тизимини, ёшларни тарбиялаш билан боғлиқ бир қанча умуммиллий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида иш олиб борилмоқда.

Шу йилдан бошлаб, республикадаги барча олий ўқув юртларига талабалар тест усули ёрдамида қабул қилинади. ЎзА мухбири Л. Струнникова ушбу воқеани шарҳлаб беришни Тошкент Давлат техника дорилфунунининг ректори О. У. САЛИМОВдан илтимос қилди:

— Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳар томонлама камол топган ва билимдон мутахассисларни тайёрлаш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Республика Президентининг яқинда қабул қилган фармонлари айни шу масалага қаратилган. Улар Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш ва олий ўқув юртларига талабаларни тест усулида саралаб олишга таллуқлидир. Бу ҳужжатлар таълим, ақл-заковат салоҳиятини ҳар томонлама ошириш ва мустаҳкамлаш соҳасида давлатнинг янги сиёсатини белгилаб беради.

Бу ҳужжатлар таълимнинг устуворлиги тўғрисидаги қоидалар амалда рўёбга чиқаётганини тасдиқламоқда. Жаҳон ҳамжамиятида илғор марраларни эгаллаб турган кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси айни таълим сиёсатининг устуворлиги, унинг истеъдодли ёшларни излаш ва ўқитишга қаратилганлиги давлатнинг тақдирини ҳал этишини кўрсатиб турибди. МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистон барча қийинчиликларга қарамай, ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мазкур истиқболли йўлини қабул қилганлиги қувончлидир. Бу ишонч тест усулини қўллаш, истеъдодли ёшларни саралаб олиш ва рағбатлантириш юзасидан дорилфунунимизда тўплаган тажрибамизга асосланади.

Ўтган йили 5 та факультетда: техника тизимлари, электрон асбобсозлик, электроника ва автоматика, энергетика ва саноат энергетикаси факультетларида тест усули жорий этилган эди. Дорилфунунга кириш учун ариза топширган 1300 киши орасидан 550 талаба саралаб олинди. Қишки имтиҳон сессиясининг натижалари уларнинг тайёргарлик даражаси олий ўқув юртларига анъанавий имтиҳон топшириб кирган ёшларга нисбатан сифат жиҳатидан анча юқори эканини ишонарли тарзда кўрсатди. Талабаларни тест усули билан саралаб олишда аввало, уларнинг қобилияти ва билим даражаси эътиборга олингани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Кириш имтиҳонлари тажрибасидан фойдаланиб ва уни ривожлантириб, деб давом этди ректор, олий математика, физика ва информатика фанларидан семестр имтиҳонларини тест усулида ўтказдик. Ҳозир дорилфунунда олий техника таълими шароитида мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш муаммолари юзасидан илмий-техникавий дастур тайёрланмоқда. Унда тест усули алоҳида ўрин тутади. Биз тестларнинг ва уларни асосий фанлардан таълим беришни ташкил этишда қўлланишнинг услубий асосларини ишлаб чиқдик. Дорилфунунинг кўпгина кафедралари катта иш олиб бордилар, улар ЭҲМдан фойдаланиб, тест усули турли нусхаларини синаб кўрдилар.

Қилинган ишларнинг натижалари бу усулга тўла ўтишнинг истиқболига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Фақат кириш имтиҳонлари чоғида эмас, балки талабаларнинг билимларини сессиялар оралиғида синашда ҳам шу усул истиқболлидир. Тест усули энг истеъдодли ёшларни аниқлаш, сўнгра уларни алоҳида талабалар учун мўлжалланган режаларга мувофиқ ўқитишга ёрдам беради. Бундай режада иқтидорли ёшлардан ҳар бирининг ижодий имконияти ва қобилияти ҳисобга олинади.

Тест усулида имтиҳон олишни жорий этиш талабаларда ҳаяжонга тушиш эҳтимолини камайтиради. Муваффақиятсизлик имтиҳон олувчининг шахсига боғлиқ бўлмай қолади. Тестлар 5 балли баҳо ҳолис эмаслиги, йигит ва қизлар билимини баҳолашдаги субъективлик каби камчиликларни бартараф қилади. Улар муаллим ишининг ҳам кўрсаткичидир.

Республикамиз ўқув юртларида атоқли кишилар номидаги стипендияларнинг, билим чўққиларини сабот билан эгаллаётган энг истеъдодли талабалар, аспирантлар, мактаб ўқувчилари учун мукофотлар ва бошқа имтиёзларнинг жорий этилиши жуда катта аҳамиятга эга.

Республикада ёшларга таълим бериш масалаларига давлат сиёсати мақоми берилаётганлиги қувончлидир. Президент И. Каримовнинг янги ташаббуслари туфайли Ўзбекистонда таълимнинг устуворлиги ҳаётда рўёбга чиқмоқда, моддий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда. Биз халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари учун республика тараққиётининг долзарб вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган ўткир зеҳнли, билимдон муҳандис кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссамизни қўшамиз, деб умид қиламиз.

Сиз суратда кўриб турган бу дилбар қиз Муҳайё Мўминжонова бўлади. У «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг биринчи филиалига ишга келганига эндигина 8 ойдан ошди. Лекин шунга қарамасдан у хориждан келтирилган ярим автомат машинасини моҳирлик билан бошқариб келмоқда.

Холмат Мирзакаримов сурати.

ҲАР ЭҲТИМОЛГА ҚАРШИ

Республикамиз Президенти Ислом Каримов 12 февраль куни «Комсомольская правда» рўзномаси мухбири билан суҳбатда «Яқинда сиз банклар пойтахти— Швейцарияга борib келдингиз. Ўзбекистон ўз пулини жорий этмоқчи эмасми!» деган саволга қуйидагича жавоб бердилар:

«Пул босиб чиқарадиган станок Россиянинг қўлида, у ерда пулнинг қадрсизланиши қанчалик авж олгани сизга маълум. Шу сабабли, ўртамизда муайян зиддият вужудга келмоқда. Агар биз битта рубль зонасида турган эканмиз, пул босиб чиқарадиган станок ҳам давлатлардан юқори туриши керак. Рубль ҳамма учун ва ҳамманинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда босилиши лозим. Очиғини айтаман, эртага Россия рублини алмаштиришни хоҳлаб қолса-чи, деб хавфсираяпмиз. Унда биз қандай аҳвоҳга тушиб қоламиз!

Россия ўз миллий пулини жорий этмас экан, Ўзбекистон ҳам бундай қилмайди. Биз битта рубль зонасида эканмиз ўз валютамизни жорий этмаймиз...».

Бунда Россия кейинги вақтда ўз пулини чиқариш йўлида ҳаракат қилаётгани кўзда тутилган, албатта.

Маълумки, Россия ҳозиргача ўзининг 100, 200, 500, 1000, 5000 ва 10000 сўмлик пулини чиқарди, бу ҳақда Россия рўзномаларида хабар берилди. Биздаги маълумотларга қараганда, у ҳозирдаёқ узоқ ўлкалар, вилоят ва туман банкларини шу пуллар билан таъминлаяпти.

Бу тадбир тўла амалга оширилиб, Россияда ўз пули билан муомала қилиш бошланса, шак-шубҳа йўқки, биз ҳам ўз пулимизни муомалага чиқаришга мажбур бўламиз. Бу ўринда жумҳуриятимиз банклари ўз пулимиз билан ишлашга тайёрми, деган савол пайдо бўлади.

Биз бу ишларга ҳозирликни анча олдин бошлаган эдик, айни вақтда банкларимиз ўз пулимиз билан ишлашга тайёр.

Яна бир савол туғилади: халқимиз қўлидаги рубларни нима қилиши керак? Аҳоли қўлидаги пулларга иложи борича керакли буюмларни сотиб олиши лозим. Ортиқча жамғармаларини эса уйда сақламасдан, жамғарма банкларига омонат қилиб топширишларини, Республикамизнинг 12 фоизли заём облигацияларини сотиб олишларини маслаҳат берамиз. Шундагина пул алмашган тақдирда зарар кўрилмайди.

Маълумки, ҳукуматимизнинг қарорига мувофиқ шу йил бошидан фуқароларнинг жумҳуриятимиз жамғарма банкларида сақланаётган омонатлари бўйича тўланадиган фоизлар миқдори уч баравар оширилди. Яъни омонатлар бўйича тўланадиган фоизлар миқдори талаб қилиб олингунча сақланадиган оддий омонатлар бўйича 10 фоиз, муддатли омонатлар бўйича эса:

— 1 йилдан 3 йилгача сақланганда 20 фоиз,

— 3 йилдан 5 йилгача сақланганда 30 фоиз,

— 5 йилдан ортиқ сақланганда 45 фоиз ҳамда болаларнинг мақсадли омонатлари ва йиғиладиган омонатлар бўйича 45 фоиз оширилди.

Собиқ Иттифоқ томонидан 1982 йилда чиқарилган ва республикамиз аҳолиси илгари сотиб олган заём облигациялари 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг 12 фоизли заём облигацияларига алмаштирила бошланди.

Бу тадбирлар, аввало, фуқароларимиз фаровонлигини юксалтириш, уларнинг пешона тери билан топган маблағларини давлат томонидан муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилятпи. Ҳукуматимиз пулнинг қадрсизланишини камайтириш, ички бозорни муҳофаза қилиш чораларини ҳам кўряпти.

Маълумки, жумҳуриятимизда Россия ва рубль зонасида бўлган бошқа давлатлардагига қараганда рублнинг «сотиб олиш» қобилияти анча юқоридир. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларда иш ҳақи билан нарх ўртасидаги мутаносиблик тўғрисида «Правда» рўзномасининг 12 февраль сонида эълон қилинган сўнгги маълумотларни бунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ: ойлик маошнинг энг кам миқдори 2250 рубль, 19 хил озиқ-овқат туридан иборат энг зарур маҳсулотлар, яшаш учун зарур ашёлар сотиб олишга керакли маблағ жон бошига 5210 рублни ташкил этади.

БЕЛАРУС: Республика статистика комитетининг маълумотларига қараганда, энг кам ойлик — 3000 рубль, истеъмол миқдорининг энг паст даражаси — 4236 рубль.

УКРАИНА: энг кам ойлик— 4600 карбованец, истеъмол даражасининг энг кам миқдори январь ойининг. бошларида 22000 карбованецни ташкил этган.

МОЛДОВА: энг кам ойлик— 1700 рубль, энг кам истеъмол даражасини сақлаб қолиш учун ойига 13000 рубль талаб этилади.

АРМАНИСТОН: энг кам ойлик миқдори — 2000 рубль, ойлик истеъмол кўрсаткичи январь охирларида 7640 рубль бўлган.

ЎЗБЕКИСТОН: энг кам ойлик миқдори — 2500 рубль, яшаш учун зарур ҳаражатлар 1993 йилнинг бошларида ойига 2058 рублни ташкил этган.

Бизда озиқ-овқат ва саноат моллари арзонлигидан фойдаланиб, уларни қўшни жумҳуриятларга олиб кетишга уринилятпи. Бунга қарши курашда талон ва купон системасини жорий этиш ўз самарасини бермоқда.

Юқорида зикр этилганидек, келажакда пул алмашиш тадбирлари бошланиб қоладиган бўлса, фуқароларимизга ҳар эҳтимолга қарши ортиқча пулларини жамғарма банкларида омонатга қўйишларини ва 12 фоизли заём облигацияларини сотиб олишларини маслаҳат берамиз. Бу халқимизни кутилмаган ноқулайлик ва ташвишдан ҳоли қилади, деган умиддамиз.

Файзулла МУЛЛАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республика Марказий банки бошқарувининг раиси.

** Меҳнат жамоаларида*

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

ЎРТА Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулот экспорт қилиш ҳажмини бу йил ўтган йилдагидан кўра икки баробар ошириш режалаштирилган. Келгусида эса у яна ортади. Бунинг учун кабелсозлар турли имкониятларни излаб, ишга солмоқдалар. Бирлашманинг «Средазкосмос» қўшма корхонасида кабелларни рақамлаш (маркировкалаш) йўлга қўйилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг электроника институти олимлари Италиянинг «Сампо» корпорацияси мутахассислари билан ҳамкорликда бу ишда кабелсозларга ёрдам беришди. Лазер қурилмаси ёрдамида тайёрланаётган кабел симларининг қобиғига қопланган полиэтилен, пластикатларга рақам қўйилади. Бу усул ҳозирча назорат ва идора кабелларига қўлланиляпти. Жаҳон ўлчамларига жавоб берадиган бу усул корхона маҳсулотини хорижга сотишда яна бир катта имконият яратади.

ИМКОНИЯТ ИЗЛАНМОҚДА

БИРЛАШМАНИНГ санитария-тиббиёт қисмида беморларни даволашнинг замонавий услубларидан кенг фойдаланиш имкониятлари изланяпти. Бунда энг янги самарали тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш қўл келяпти. Бирлашмадаги қўшма, ижара ва кичик корхоналар кабелсозлар саломатлиги учун хизмат қилаётган санитария-тиббиёт қисми учун янги-янги аппаратлар сотиб олишга моддий кўмак беришяпти. Яқинда поликлиниканинг жарроҳлик қисмига электрон пичоқ келтирилди. Бунинг афзаллиги шундаки, касалланган аъзоларни қон чиқармасдан кесиш мумкин бўлди. Шунингдек, бўлимга қон тарқибини тездан тозалайдиган аппаратлар ҳам келтирилди. Қон махсус фильтрлардан ўтказилиб, яна қайта организмга юборилади.

ЗАМОНАВИЙ МАИШИЙ МАЖМУА

«ВЕРТИКАЛЬ» ижара корхонаси раҳбарияти ишчи ва хизматчиларнинг маиший шароитларини яхшилаш борасида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Яқинда корхонада аёллар учун маиший комплекс фойданишга топширилди. Бу ерда кабелсоз хотин-қизларнинг ечиниб, кийинадиган хонаси, пардозхона, сауна, душхона жойлашган. Ижарачилар тадбиркорлик билан иш юритиб, мавжуд эски хоналарни қайта таъмирлаш ва мослаштириш йўли билан янги замонавий услубдаги маиший мажмуага эга бўлдилар.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

** Ўзбекистон ва жаҳон*

УНИВЕРСИТЕТ ҚОШИДА ИНСТИТУТ

ТОШКЕНТ Давлат халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университети тизимида янги ташкил топган бошқарув институти ўз фаолиятини қизғин бошлаб юборди. У бозор иқтисодиётини юриштириш йўлида фидойилик кўрсатиб келаётган етакчи ишбилармонларни тайёрлаш, бошқармаларда, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган раҳбар кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш билан яқиндан шуғулланмоқда.

Бу ерда турли вазирликлар, ҳокимликлар, концернлар, ассоциациялар ва бошқа идоралар раҳбар ходимлари ҳам таҳсил кўрадилар. Тингловчилар билан сабоқлар олиб боришга қаратилган ўқув дастурлари ва қўлланмалар тайёрлашга ҳам киришилди.

Бундай жиддий илмий-услубий жараёнларни амалга оширишда халқаро бой тажрибаларга ҳам таянилади. Шу мақсадда институт Америкадаги қатор йирик олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқалари боғлади. Америкадаги Мичиган университетининг етакчи мутахассис олимлари билан ҳам илмий-методик изланишлар йўлга қўйилди.

Шунингдек, Америкадаги Ғарбий Вашингтон университети олимлари ҳам ўқув қўлланмаларини тайёрлашда ўзбек ҳамкасблари билан бамаслаҳат иш тутмоқдалар.

Акбар АЛИЕВ.

** Ҳамшаҳарларимиз хизматида*

КЎП ТОМОНЛАМА АФЗАЛ

Тошкент шаҳар электр транспорти йўналишларида янги трамвай ва троллейбуслар пайдо бўлди. Шу муносабат билан Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Ҳусниддин Маҳкамов жамоатчи мухбиримизга қуйидагиларни билдирди:

— Ҳозирда ҳар куни 353 та трамвай, 294 та троллейбус 44 та йўналиш бўйлаб шаҳар меҳнаткашлари манзилини яқин қиляпти. Аҳолининг транспортга бўлган талаб ва эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида янги 5 та КТМ—71—608К трамвайи ва 15 та ЗИУ—9 троллейбусини сотиб олдик.

Аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда Усть-Катав заводи вагонсозлари ишлаган бу трамвайлар ҳар томонлама афзалликларга эга. Бақувват вагон 40 даражали иссиқ ва совуққа чидамли. Унинг 4 та эшиги бир вақтнинг ўзида очилиб ёпилади. Бежирим салонларида 40 та юмшоқ ўриндиқлар мавжуд. Йўловчилар оқими кўпайганда яна қўшимча 103 та йўловчи тик турган ҳолда кўзлаган бекатига етиб олиши мумкин. Узунлиги 15 метр, иситиш ва ёритиш системалари сифатли, эшик, компрессор, редуктор, рессор қисмлари бақувват. Трамвайнинг нархи — 17 миллион сўм!

Йўналиш рақамлари махсус тугмаларни босиш билан ўзгартирилади. Соатига 40—60 чақирим йўл босадиган бу вагонлар 28-йўналиш — «Самарқанд» автобус станцияси ва «Зенит» заводи оралиғидаги бекатларни бир-бирига туташтиряпти. Ички имкониятларимизни кўриб чиққач, ҳамшаҳарларимиз талаб даражасини қондирадиган ана шундай трамвайлардан яна сотиб олишни режалаштирамиз.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1992 ЙИЛГИ ИШ ЯКУНЛАРИ, БЮДЖЕТНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ИЖРОСИ ҲАМДА 1993 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

нарх-наво ва тарифларни белгилаш, ўзгартириш, уларни қўллашни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси, шунингдек якка ҳукмрон корхоналар томонидан нархларнинг эълон қилиниши тўғрисидаги, якка ҳукмронликка қарши фаолиятни амалга оширишга оид давлат реестри ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳақидаги низомларнинг лойиҳаларини бир ҳафта муддатда пухта ишлаб чиқиб, Вазирлар маҳкамасининг тасдиғига киритсин;

давлат солиқ бош бошқармаси билан биргаликда «Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилиши тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, шу йил 1 мартгача Вазирлар маҳкамасига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (Муллажонов):

тижорат банклари билан биргаликда шу йил февралда Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектларининг МДҲ давлатлари ва бошқа ресяубликалар билан 1993 йил 1 январга бўлган ўзаро қарздорлигини ҳисоб-китоб қилиб чиқиш, бартараф этилмай қолган қарз мажбуриятларини шу йил 15 апрелгача ҳукуматлараро кредит тарзида қайта расмийлаштириш;

тижорат банклари билан биргаликда ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, шу жумладан МДҲ давлатларига ва бошқа республикаларга етказиб берилаётган маҳсулот учун олдиндан ҳақ тўланишини таъминлаш чораларини кўриш;

Алоқа вазирлиги, тижорат банклари, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон жамғарма банки билан биргаликда йилнинг биринчи ярми давомида ҳисоб-китоб аъмолларини жадаллаштириш ва пул-кредит заҳираларини бошқариш учун банк муассасалари тизимини, компьютерлаш дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш тавсия этилсин.

6. Давлат солиқ бош бошқармаси (Гатаулин):

ижроия ҳокимият маҳаллий идоралари, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда республика ҳукуматининг илгари қабул қилган қарорларига биноан бюджетга солиқлар ва тўловлар тўлатўкис, ўз вақтида тушиши устидан назоратни кучайтириш, ҳисобга олинмаган солиқ тўловчиларни аниқлаш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш йўлларини тўсиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;

Молия вазирлиги, Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитети, Меҳнат вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳокимликлари билан биргаликда даромадларни ҳужжатлаштириш тизимини жорий этишга оид таклифларни икки ой муддатда тайёрлаб, Вазирлар маҳкамасига топширсин;

Адлия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг олинаётган даромадларни яширганлик учун ҳуқуқий ва жисмоний шахслар масъулиятини кучайтириш тўғрисидаги қонунларга ўзгаришлар киритишга оид таклифларни бир ой муддатда топширсин.

7. Деҳқончилик-саноат мажмуи (Жўрабеков) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши ва вилоятларнинг ҳокимликлари билан биргаликда чорвачиликда иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш, шу жумладан жамоат қорамолларини жамоа ва хусусий мулк қилиб топшириш, шунингдек деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш учун қўшимча имтиёзлар бериш масалаларини кўриб чиқсин. Мазкур масалалар юзасидан ҳукумат қарорларининг лойиҳаларини бир ой муддатда тайёрлаб, топширсин.

8. Умумий иқтисодиёт мажмуи (Ҳамидов):

Ўрта Осиё давлатлари бошлиқларининг 1993 йил 4 январда эришган аҳдлашувига биноан Вазирлар маҳкамасининг бошқа мажмуалари, «Ўзшартномасавдо» давлат уюшмаси ва манфаатдор вазирликлар, идоралар, концернлар ва уюшмалар билан биргаликда шу йил 15 апрелга қадар республика ҳукуматига маълумот бериш учун ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни, ишлаб чиқаришни кенг миқёсда бирлаштиришни чуқурлаштириш ва ривожлантириш, келишилган солиқ, нархнаво, пул-кредит ва божхона сиёсатини амалга ошириш масалаларини пухта ўрганиб чиқсин.

Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, Фанлар академияси, давлат фан ва техника комитети, бошқа вазирликлар, идоралар, концернлар ва уюшмалар билан биргаликда республиканинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни жаҳон ҳамжамияти билан бирлаштириш вазифаларига асосланиб, импортни қисқартиришни, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қобилиятини оширишни назарда тутиб, 1993—1994 йилларга мўлжалланган экспортни кенгайтиришнинг махсус дастурини 1993 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқиб, Вазирлар маҳкамасининг муҳокамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги (Норбоев):

Ижтимоий таъминот вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитети билан биргаликда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш воситасини такомиллаштиришга, муҳтожларга ёрдам пули, нафақа ва бошқа тўловларни уларнинг ҳақиқий даромадлари билан боғлиқ равишда бериш пайтида кўрсатиладиган ёрдамнинг мақсадга йўналишини кучайтиришга оид таклифларни шу йилнинг биринчи ярми мобайнида тайёрласин;

Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитети ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда аҳолининг даромадлари ва харажатлари кўпайишини йилнинг ҳар бир чорагида таҳлил этиб, зарурат туғилган тақдирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши иштирокида мазкур даромад ва харажатларни тартибга солишга оид таклифларни ҳукуматга тақдим этсин.

10. «Ўзшартномасавдо» давлат уюшмаси (Шарипов) Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги (Султонов) ва Давлат истиқболни белгилаш ва статистика комитети билан биргаликда Ўзбекистоннинг ташқи савдо-иқтисодий муносабатларини, шу жумладан Ҳамдўстлик давлатлари билан ҳукуматлараро битимларга оид хўжалик алоқаларини таҳлил этсин ва мол айирбошлашнинг структураси мувозанатлиги ва самарадорлигини таъминлаш юзасидан шу йил 1 апрелга қадар Вазирлар маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

мавжуд заҳираларни сафарбар этиш, ишбилармонликни ва хусусийлаштиришни ривожлантириш, солиқ интизомини мустаҳкамлаш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромадларини кўпайтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширсинлар. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, озиқ-овқат ресурсларини ошириш, истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш ишини фаоллаштирсинлар;

хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, давлат маблағини ўғирлаш, талон-торож қилиш ҳолларини тагтомири билан тугатсинлар;

ҳукуматнинг шу масалалар юзасидан илгари қабул қилган қарорлари бажарилишини таъминламаётган туман ва шаҳарларнинг, вилоят бўлинмаларининг раҳбарларига принципиал баҳо берсинлар.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар маҳкамаси мажмуаларининг раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

Вазирлар маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.



Бектемир райбиндаги ишлаб чиқариш ва таъмирлаш тажриба корхонаси марказий базасининг 2-цехида энг асосий ишлар амалга оширилади. Бу ерда меҳнат қилаётган токарь ва чилангарлар вужудга келаётган муаммоларни ҳал этишда унумли меҳнатлари билан салмоқли улуш қўшмоқдалар.

СУРАТДА: токарь Исроил Имомберднев.

Усмон Усмонов сурати.

Шифо ва саломатлик

Одатда кўча-кўйда таниш-билишларимиз билан учрашиб қолсак «Кайфиятлар қалай, соғлиқлар яхшими?» деб ҳол-аҳвол сўраймиз. Киши доимо хушчақчақ, димоғи чоғ, соғ-саломат бўлиши унинг ўз қўлида. Хўш, бунинг асосий омиллари нималардан иборат? 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти ички касалликлар кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Каримулла Баҳодиров билан ана шу хусусда суҳбатлашдик.

— Каримулла ака, кўп одамларни бош оғриғи безовта қилади. Тез ўтиб кетиши туфайли унга унчалик парво қилмаймиз. Кейинчалик асорати қолмайдими?

— Одатда шу ҳақда фикр юритсам онамнинг «Болам, бошинг омон бўлсин», деган дуоларини эслайман. Бу иборада чуқур маъно бор экан. Соғлом одамда бош оғриғи бўлиши керак эмас.

Мен 80—90 йил умр кўриб, боши оғримаган одамларни учратганман. Шу боис ҳар бир одамда бош оғриғининг сабабларини албатта аниқлаш зарур. Бу аввало мия ёки марказий асаб аъзоларининг хасталанишига боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, миянинг асаб ҳужайралари, қон томирлари ёки мия пардаси, қолаверса бош суяклари жароҳатланган бўлса бош оғрийди. Бундай ҳолат ички аъзолар — ичак, жигар, буйрак хасталанганда ҳам кузатилади.

** Дилкаш суҳбатлар*

ОЛТИН БОШИНГИЗ ОМОН БЎЛСИН

Бош оғриғи билан беморлар менга шикоят қилиб келишса доимо москвалик профессор Боткин ҳикоя қилган бир воқеа ёдимга тушади. Бир аёл уни уйига таклиф қилиб, ҳар куни кун ботгач бош оғриғи бошланишини айтган. Профессор беморни синчиклаб текшириб, у ётган каравот ёнидаги керосин лампани олиб қўйинг, деган холос. Ҳеч қандай дори-дармон буюрмаган. Шундан кейин беморда бош оғриғи тўхтаган. Маълум бўлишича, аёл ҳар куни керосин лампа ёқиб, узоқ вақт китоб ўқир экан. Ундан чиққан тутун эса бош оғриғи пайдо қилган.

Айни пайтда биз ҳам шаҳримиз кўчаларидан ўтиб бораётган минг-минглаб машиналарга эътибор бермаймиз. Улардан ҳавога тарқалган тонналаб заҳарли моддалар, албатта, асаб аъзоларимизга салбий таъсир этади ва энг аввало бу бош оғриғи билан бошланади. Бу эса шак-шубҳасиз соғлиққа ўз таъсирини кўрсатади.

— Баҳор келиши билан киши толиқади, ўзини лоҳас сезади. Буни халқимиз тилида «илик узилди» пайти дейилади. «Илик узилди»ни енгиллатиш мумкинми?

— Аввало шуни айтиш мумкинки, қиш мобайнида одам аъзолари ўз вазифасини бажариш учун катта калорияли дармондориларга бой овқат моддаларини талаб қилади. Шу сабабли ёз бўйи йиғилган дармондорилар сарфланиб боради. Иккинчидан, баҳор бошланиши билан ҳаво босими тез-тез ўзгариб туради. Ташқи муҳит билан ўзаро боғлиқ бўлган қон босими тез ўзгарувчан бўлиб, айниқса пасайиб кетишга мойилдир. Учинчидан, қиш бўйи совуқ туфайли киши очиқ ҳавода кам бўлади ва бу ҳол марказий асаб аъзолари фаолиятининг бузилишига олиб келади. Тўртинчидан, турли сурункали касали бор одамларда дард қўзиб, киши ўзини ёмон ҳис қилишига олиб келади.

«Илик узилиши»нинг олдини олиш чоралари мавжуд. Бунинг учун қиш даврида тез-тез тоза ҳавода сайр қилиш керак. Чилла тамом бўлиши билан оқсил ва дармондориларга бой таомлардан, баҳорда эса кўкатлардан истеъмол қилиш зарур. Бадантарбия ва жисмоний меҳнат ҳам «илик узилиши»ни енгиллаштиришга олиб келади. Лекин сурункали касали бор одамлар овқат ҳазм қилиш аъзолари, юрак қон-томир касалликлари зўриқмаслиги учун касалхонага ётиб даволанишлари талаб этилади.

— Сизнингча семириш касалликми ёки саломатлик белгисими?

— Одатда дўстлар дам олиб келганда суҳбат қургани келган яқинлар «Кўринишингиз яхши, анча семирибсиз», деб кўнгил сўраб қўядилар. Шуни эсда тутиш керакки, ортиқча семириш яхши дам олганликнинг аломати эмас, аксинча касалликнинг бошланиши деб тушуниш керак. Ҳаёт тажрибаларига асосланиб, семиришга асосан икки нарса сабаб бўлади, дейиш мумкин. Биринчидан, семириш одам ички-гармонал безлари, гипофиз, қалқонсимон ва жинсий безлар фаолиятининг бузилишидан ёки шу ички безлар касаллигидан келиб чиқади. Бу ҳолда беморни эндокринолог шифокор даволайди. Иккинчидан, инсоннинг нотўғри, пала-партиш овқатланиши, яъни меъёридан ортиқ таом еиши, кам ҳаракат қилиши ҳам семиришга олиб келади.

Одамнинг таом истеъмол қилиши табиий, албатта. Лекин тановул қилинган овқатнинг қуввати тўғри сарф қилинмоғи керак. Бундан ташқари меъёр ҳам катта аҳамиятга эга. Шифохонага келган бир беморнинг тана вазни 210 килограмм эди. У шифокор маслаҳатига амал қилган ҳолда аста-секин озиб, вазни 180 килограммга тушди ва аҳволи анча яхшиланди. Бироқ уйига кетиш олдидан ёғли овқатни кўп еб қўйибди. Икки соат ўтар-ўтмас беморнинг меъдасидаги яра ёрилиб, аҳволи ниҳоятда оғирлашди. Шифокорлар тез ёрдам кўрсатиб, унинг ҳаётини зўрға сақлаб қолдилар.

Улуғ алломамиз Алишер Навоийнинг «Сиҳат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема» деган ҳикматли сўзларини яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз.

— Ош тузнинг меъёри ҳақида ҳам тўхталсангиз...

— Бизнинг ҳовлимизда икки туп олча дарахти ўсар эди. Бу дарахтлар баҳорда жуда чиройли, оппоқ қорга ўхшаб гуллар, лекин бирорта ҳам ҳосил тугмай, гуллари тўкилиб кетарди. Бир қишда дарахт ўсиб турган ер тагидан ўтган водопровод қувури ёрилиб кетди. Кунлар исигунча сув икки туп олчанинг тагидан тўлиб оқиб турди. Буни қарангки, шу йили олча жуда яхши ҳосил берди. Таниш мутахассисга мурожаат қилган эдим, у туз миқдорининг кўплиги сабабли дарахт ҳосил бермаган, энди эса сув ердаги тузларни обдон ювиб, тозалаган, деди.

Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда катта ёшдаги одам учун бир кечакундузга 8—10 грамм ош тузи етарли. Унинг бир қисми ошқозон ширасини ҳосил қилишда иштирок этади. Шунингдек, танадаги ферментлар таъсирини кучайтиришга ҳам сабабчи бўлади ва кислота-ишқор муҳитининг мутаносиблигини таъминлаб туради. Шу боис ош тузи одамнинг барча аъзоларида, қон, тўқималар, суяклар, ошқозон, жигар, ошқозон ости бези, ичак шираларининг таркибида учрайди. Ош тузи организмда бир миқдорда бўлиши зарур. Турли сабабларга кўра камайиб кетса одам беҳол бўлади, иштаҳа бўлмайди, қон босими пасайиб кетиб, юрак уриши тезлашади, ҳаттоки баданда томир тортишиши рўй беради. Лекин тузнинг камайиб кетишидан кўпайиб кетиши соғлиққа кўпроқ зарар келтириши мумкин.

— Сақич чайнашнинг саломатликка фойдаси борми?

— Қадимдан авлодларимиз сақич чайнаб келганлари сир эмас. Самарқанд, Фарғона ва бошқа вилоятларда ҳозир ҳам оқ сақич чайнаб келинади. Шу ўринда унинг саломатликка фойдаси борми, деган саволнинг туғилиши табиий. Шуни таъкидлаш лозимки, сақич чайналган вақтда оғиз бўшлиғига шира чиқарадиган безлар ва овқат чайнашда қатнашадиган мускуллар ҳаракатга тушади. Демак, ширали суюқликлар тишлар, милкларни оғизда овқат чайналгандан кейин қисман тишлар орасида, милк чуқурчаларида қолган овқат моддаларидан тозалайди. Бу жараён сўзсиз тишларни турли хил касалликлардан сақланишига олиб келади. Айтайлик, гастрит касаллигида ошқозон ширасининг таркибида кислоталар камайган бўлса, сақич чайнаганда бир оз бўлса ҳам кўпайиши мумкин. Айниқса, кислота кўпайганда сақич чайнаб, туфук ютилиб турса ошқозон ширасининг суюлиб, кислота миқдори камаяди. Шу боисдан ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касаллигида оғриқ бошланганда сақич чайналса оғриқ секин-аста пасайиб, тўхтайди. Бундан ташқари ҳаракат натижасида юз тери ости ва тери қон томирларида қон айланиши яхшиланиб, юзга ажин тушишининг олдини олади.

— Соғлом бўлиш учун кўпроқ спорт билан шуғулланган маъқулми ёки бадантарбия афзалми?

— Спорт билан шуғулланган вақтда юракнинг уриши бир дақиқада меъёрдагидек 70—80 марта эмас, балки 100 ва ундан ортиқ бўлади. Бадантарбия қилинганда эса энг кўпи билан 90 мартага етиши мумкин. Мунтазам машғул бўлинганда меъёрдагидек, бир дақиқада 70—80 тадан ортиқ урмайди. Кўриб турибсизки, спортчида юрак уриши кўп бўлгани учун муддатдан илгари ўз кучини, ҳатто эҳтиёт манбаини сарфлаб бўлади. Шунинг учун бўлса керак ривожланган мамлакатларда спортдан кўра кундалик бадантарбия жуда авж олган.

Ҳа, бундай машғулот, одамнинг соғлиғига соғлиқ, умрига умр қўшади. Доимо ташқи кўринишни яхшилаб, ички аъзоларнинг соғлом бўлишини таъминлайди. Афсуски, бадантарбия бизнинг кундалик ҳаётимизда муносиб ўрин олмаган. Маҳаллаларда машқ майдончалари йўқ. Кўп қаватли уйлар орасида жойлашганлари эса қишин-ёзин бўш туради.

Ҳозир ёшим 60 дан ошган бўлсада жисмоний меҳнат ва бадантарбия билан мунтазам шуғулланиб келаман. Саломатлигим яхши, руҳим доимо тетик. Кўпинча ҳарбий хизматга бориб келаётган ёшларимизни кузатиб, одам жисмоний мустаҳкам бўлишида бадан тарбиянинг қанчалик фойдали эканлигини англайман. Бундай машғулотлар беморларнинг тез тузалишига ҳам катта ёрдам берадиган даволаш усулларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Суҳбатдош Саъдулла ШОДИЕВ.

ХАСТАЛИК ЧЕКИНЯПТИ

ЧИЛОНЗОР районидаги 6-шаҳар болалар юқумли касалликлари шифохонасида ушбу муассаса ва Шайхонтоҳур туманидаги 35-поликлиника шифокорларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қулаҳмад Ризаев, Чилонзор районни соғлиқни сақлаш бўлими мудири Алишер Нурмуҳамедов, Чилонзор район ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Обидова ва бошқалар иштирок этишди.

Йиғилишда иккала тиббий муассасанинг бош шифокорлари М. Азизова ҳамда М. Ғиёсоваларнинг 1992 йилда олиб борган ишлари бўйича ҳисоботлари тингланди.

Ўтган йил мобайнида мазкур муассасаларда болаларни даволаш бўйича катта ишлар амалга оширилган. Касалхона замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган, бир марта ишлатиладиган дорининалар билан таъминланган. Ходимларнинг малакасини оширишга ҳам катта эътибор берилаётир. Жамоадаги 144 та ходимнинг деярли барчаси ўз соҳалари бўйича малакаларини оширганлар, бу эса ишларининг яна ҳам самарали бўлишида катта аҳамият касб этади.

Касалхона район поликлиникалари билан узвий алоқани яхши йўлга қўйган. Бунинг натижасида юқумлик касалликлар вужудга келишининг дастлабки босқичидаёқ унинг олдини олишга муваффақ бўлишди.

Маҳфират ҚОДИРОВА.

Тошкент ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси эришаётган ютуқларда корхона ишчи-хизматчиларидан ташқари унда жойлашган тиббиёт-санитария масканн ходимларининг ҳиссалари катта. Чунки ишчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини муҳофаза этиш корхонада ишнинг тўғри боришига, ишчилар сонининг доимо тўлиқ бўлишига хизмат қилмоқда. Ушбу тиббиёт масканида яратилган юксак хизмат шароити, жумладан замонавий асбоб-ускуналар, етарли дори-дармонлар билан таминланганлиги шифокор ва ҳамшираларнинг меҳнатини енгиллаштирмоқда. Ишчилар эса юқори савияли хизматдан мамнунлар.

СУРАТЛАРДА: тиббиёт масканн шифохона бўлимининг бир гуруҳ ходимлари — (чапдан ўнгга) шифокор Т. Ҳачиева, ҳамшира А. Сулаймонова ҳамда катта ҳамшира Н. Ҳабаеваларни кўриб турибсиз; кўз касалликлари бўлимида шифокор-офтальмолог Х. Аҳмаджонова, Э. Алиев ва М. Фарзалиналар операция ўтказишмоқда.

Рустам Шарипов суратлари.

** Тиббиёт муассасаларида*

ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА

СЎНГГИ пайтларда болалар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган эътибор бирмунча кучайди. Зеро, келажак авлоднинг соғлом тарбияси ҳақида ғамхўрлик қилган жамиятгина эртанги кунда ўзининг соғлом фикрловчи, бақувват инсонларига эга бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганда пойтахтимиздаги 5-шаҳар болалар юқумли касалликлари клиник касалхонасида амалга оширилаётган тадбирлар ўзининг бир қанча жиҳатлари билан кўпчилик эътиборидан четда қолмаётир.

Куни кеча «Чевар» ҳиссадорлик фирмасининг мажлислар хонасида ушбу тиббиёт масканнининг аҳоли олдида ўтган 1992 йилда қилинган ишлар юзасидан ҳисобот йиғилиши бўлди. Уни Акмал Икромов район соғлиқни сақлаш бўлими мудири Маҳкам Жалилов кириш сўзи билан очди. Сўнгра касалхона бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Илёс Халилов ҳисобот берди.

Яқин ўтган кунларга қадар айрим бош шифокорлар ўз касалхоналаридаги ўринларнинг кўплиги билан, жарроҳлар эса қилган операцияларининг сони билан мақтанишарди. Ваҳоланки, жамиятдаги соғломлаштиришнинг қай даражада такомиллашуви беморлар сони билан эмас, балки соғлом кишилар сони билан ўлчаниши барчага маълум бўлди. Ҳозирги кунда шаҳримиздаги барча тиббиёт муассасаларида шароитдан келиб чиқиб ўринларни қисқартиришга алоҳида эътибор берилмоқда. 5-касалхона жамоаси ҳам мавжуд 400 ўрнини 240 ўрингача қисқартирди. Тиббий ходимлар сони эса камайтирилмади. Эндиликда битта хонада 4 та эмас, балки 2 та бемор даволанмоқда. Бир шифокор беш беморга эмас, балки 2 та беморга хизмат кўрсатмоқда. Шифокор ва ҳамширалар ўз устида ишлаб, малакаларини ошириши натижасида беморларнинг тузалиб кетиши 18—19 кундан 13—14 кунга етди. Касалхонада учраб турадиган ўлим эса уч ҳиссага, яқин 0,60 фоиздан ,18 фоизгача қисқарди. Реанимация бўлимида болалар ҳаётини сақлаб қолиш 1990 йилга нисбатан 94,6 фоиздан 97,2 фоизга кўтарилди. Бундан ташқари касалхонанинг ўзида дори-дармонлар бўлими ишлаётгани беморларга ғамхўрлик қилинаётганининг исботидир.

Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Касалхонага 150 ўринли қўшимча бино қуриш кўзда тутилган. Аммо мана икки йилдан ошдики, қурилиш ишлари ҳали бошланмаган. Шу билан бирга чиқинди сувларни зарарсизлантириш иншооти ҳам қурилиши керак. Фойдаланилаётган ҳозирги бинолар гигиена талабларига тўла жавоб бермайди.

Йиғилиш давомида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси оналик ва болалик саломатлигини муҳофаза қилиш бўлимининг бошлиғи Турғуной Исроилова, Тошкент болалар касалликлари институтининг юқумли касалликлар кафедраси мудири Маҳмуд Шаропов, ҳамшира Фазилат Аҳмаджонова, бемор болаларнинг онаси Дилдора Ғаниевалар сўзга чиқиб, касалхонанинг ўтган йилги фаолиятидан мамнун эканликларини билдиришди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

ИМКОНИЯТИ ЎЗИГА ЯРАША

● Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур райони, Ибн Сино даҳасидаги 40-поликлиника тикланиб, ишга тушганига эндигина тўрт йил бўлди. Шунга қарамай у шаҳримиздаги энг яхши шифо масканлари қаторидан ўрин олган. Бунинг боиси поликлиника қурилишидан буён жон куйдириб тинмай-тинчимай 100 га яқин ходимларга бошчилик қилиб келаётган бош шифокор Дилбар Мирарслонованинг меҳнатсеварлигидир. Биз Дилбар опа билан учрашиб поликлиникадаги шароит ҳақида суҳбатлашдик.

— Дилбар Абдуллаевна, сиз раҳбарлик қилаётган масканда қандай муаммолар бор?

— Поликлиникамизда бир йил аввал кўпгина етишмовчиликлар бор эди. Биз бу тўғрида тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик. Шундан сўнг барча хизмат хоналаримизни кўнгилдагидек жиҳозладик. Ҳатто беморларнинг поликлиника ҳузурида ётиб даволанишлари учун 50 ўринли жой ҳозирланди. Ҳозирги кунда поликлиникамиз қошида ички касалликлар, жарроҳлик, асаб касалликлари, ревматология ҳамда тиш даволовчи бўлимлар ишлаб турибди.

— Поликлиника ходимлари олдида ҳозир қандай муҳим вазифалар турибди?

— Маълумки, ҳозирги кунда шаҳримизда энг муҳим вазифа сариқ касаллиги ва ОИТСга қарши кураш масаласини ҳал этишдир. Шу туфайли ходимларимиз фақат ўзларига бириктирилган жойлардагина эмас, балки даҳадаги боғча, мактабларда ҳам жиддий текширув ишларини олиб боришмоқда. Ҳатто қўшни Белтепа, Жарариқ даҳаларига бориб, аҳоли ўртасида ОИТС ва сариқ касаллигининг олдини олиш ҳақида суҳбатлар уюштириляпти. Муассасамиз қошида алоҳида дорихона бўлиб, зарур дориларни имконияти борича тайёрлаб беришга ҳаракат қилмоқдамиз.

— Қандай етишмовчиликлар бор?

— Маълумки, даҳада аҳолининг сони 40 мингдан ошиб кетган. Беморлар сони ҳам ортиб бормоқда. Бизнинг ихтиёримизда бугунги кунда 20 мингдан ортиқ катталар ва 10 мингга яқин болалар мавжуд. Улар билан доимий алоқамиз яхши, аммо баъзи ҳолларда оғир касалларни марказга юборишга қийналиб қолмоқдамиз. Чунки даҳада телефон хизмати қониқарсиз аҳволда, шу сабабли «Тез ёрдам» машиналарининг етиб келиши яхши эмас.

Ҳамидулла ЮЛДОШЕВ.

СУРАТЛАРДА: поликлиниканинг ташқи кўриниши; ҳамшира Мавлуда Дамонова беморни қабул қилмоқда.

Муаллиф суратлари.

Абдусаттор ҲОТАМОВ

ЭРКИН ҚУШ

(Қиссадан парча)

Қушиқлар рақсларга уланди. Кейин даврабоши:

— Сўз Мханта Чандрага, — деди.

Меҳмоннинг ёнидаги ҳамроҳи ўртага чиқиб келди. У даврабоши қулоғига пичирлаганди, «маъқул» маъносида бош силкиди ва ўтирганларга:

— Азиз меҳмонимиз ўз она тилларида сўзламоқчилар, майлими, ҳурматли меҳмонлар, — деди дафъатан.

«Э, майли, майли», деган овозлар келди атрофдан.

Холиқ ўйлади: «Фаросатсизлик! Гумроҳлик! Ҳатто меҳмон ўз тилида гапиришига рухсат сўраймиз».

Ҳинд юбиляр билан уч йилдан бери оғайни эканлигини, яқинда жаноби Олтинбек Мавлонович Ҳиндистонга ташриф буюргани, бу ташриф бир ҳафта бўлгани, келгусида жаноби Олтинбек Мавлонович маликалари билан боришлари лозимлиги, акс ҳолда чегарадан ўтказишмаслиги тўғрисида гоҳ жиддий, гоҳ жилмайиб гапирганида ҳамроҳи таржима қилиб турди. Меҳмон табрикни «Ҳинду-ўзбек бхай-бхай», деб тугатди ва костюми кўкрак чўнтагидан икки буклоғлиқ ялтироқ қоғоз чиқариб давра тўри томон юрди ва тўппа-тўғри Олтинбекка тутқазди.

— Бу Ҳиндистонга бориш учун виза, — деди ҳеч бир илтифотсиз. — Бир ойга. Хонимлари билан боришлари учун.

Яна қарсаклар чалинди. Меҳмоннинг ҳамроҳи даврабоши томон эгилиб нимадир деганди, микрофонда «Сафар харажатларини ҳаммаси жаноби Мханта Чандрага», деб тантанали эълон қилди.

— Қандоқ яхши! — деди Ойдин ўзи билан гаплашаётгандек. — Ёнларида кеннойим.

Энди Холиқнинг ҳаваси келди: «Бир мардикорки шунчалик бахтга эришибди. Мен эса юрибман...»

Бирдан ёнида севгани борлигини эслаб, кўнгли равшан тортди.

— Ойдин, — деди секин унга қараб. — Сиз ҳам истайсизми боришни?

Холиқнинг ичидаги бўлак бир одам қачонлардир мен ҳам сизни барибир Ҳиндистонга олиб бораман, дейишига йўл қўймасди.

Ойдин ҳамроҳига ярим ўгирилиб жилмайди. Бу жилмайиш Холиққа бегонадек туюлди, юраги шиг этди. «Ё, тавба, — ўйлади у. — Ахир жилмайган Ойдин-ку».

Бирдан хаёлида уйида икки дераза ўртасига илинган тақвимдаги соҳибжамол жонланди. У Ойдиннинг ёшлигига ўхшарди. Лекин Ойдиндан кўра самимийроқ кўринарди. Ойдин эса ҳ қизга — ўзига сира ўхшамасди.

«Сиз шу ердамисиз?» — хаёлида давом этди суҳбат.

«— Ҳа, ўтирибман Олтинбек Мавлоновичга ҳавасим келиб».

«Қайси бирига? Аввалгисигами ёки ҳозиргисигами?».

— «У бир одамку ахир».

«Сиз ажабланманг» у иккита, мен иккита бўлганим каби».

«Ё, тавба, сиз ростанам иккитамисиз?».

«Ҳа, тақвимдагиси биринчи, ёнингизда ўтиргани иккинчиси. Сиз жисмонан кейингиси билан биргасиз. Аввалгиси билан хаёлан яқинсиз».

«Балки мен ҳам иккитадирман?».

«Шундай. Фақат ичингиздаги иккинчи одам ҳали гўдак. Иллатлар гўдаги. Атрофингиздагилар вужудга келтириб тарбиялаяпти уни. Вояга етгач ҳамма яхши хислатларингизни маҳв этади. Бунга йўл қўйманг, Холиқ ака!».

«Унда Олтинбек Мавлонович...».

«...Ким деб сўрамоқчимисиз? Эшитинг: у улуғ ишбилармон ва улуғ гуноҳкор инсон. Мавлоновичнинг ишбилармонлиги гуноҳлари олдида ҳеч дир».

«Биз ҳом сут эмган бандалармиз. Туғиламизу, гуноҳларга ботиб борамиз. Кексайганда эса ана шу гуноҳларни ювиш учун тоат-ибодат қиламиз. Гуноҳсиз яшаш мумкин эмасми ахир?»

«Ў, мураккаб савол! Бунинг учун кимсасиз оролда қаттиқ тарбия асосида бир неча авлод яшаб ўтиши керак».

«Бу билан сиз биздаги тарбия ҳеч дир, демоқчимисиз?».

«Ҳеч дан кўра кеч яхшидир Ноумид шайтон, Холиқ ака!»

— Холиқжон!

Холиқ оҳанграбодек кўз олдида ялтираган бир нарсадан сергакланди. Ойдин кўзларини мастона сузиб у томон қадаҳ узатиб турарди.

— Олинг, Холиқжон, жа-а, намунча хаёл суриб қолдингиз?

— Томошага завқим келди-да.

— Нима, бунақа томошаларни биринчи марта кўраяпсизми?

— Бундоқ, ўйлаб кўрсам умуман томошаларда кам бўлган эканман. Уқиш деб, иш деб...

— Э, дунёга ўн марта келадими одам, олинг-э.

Ойдин қадаҳни Холиққа илдам узатди ва жингиллатиб уриштирди. Кейин кутиб ўтирмай коньякни ичди-қўйди. Холиқ шошиб столдан газак ахтарди ва шоколаднинг қоғозини очиб тутқазди.

— Тоза қоним камайиб кетибди, — деди Ойдин. — Бир таниш дўхтир айтди, шундан озроқ ичиб туринг деб.

— Дўхтирингиз яхши экан. Шунақа деган бўлса.

— Э, Холиқжон, бу дунёнинг ёзилмаган қонунлари кўп... Қани кўтаринг-э.

— Мен рулдаман, — деди Холиқ ўзини айбдордек сезиб.

— Нима қилибди? — деди Ойдин беписанд. — Бугун барибир машина ҳайдамайсиз.— Олинг-да энди.

Холиқ индамай қадаҳни кўтарди, ичи ёниб кетди. Лагандаги парракланган қазидан олиб, газак қилди. Бироздан кейин ўзини сархуш сезди. Боя Ойдиннинг эркакшодалиги ботинқирамаган бўлса, энди бу гаплари унга дадиллик бағишлади. Тортинчоқлиги йўқолгандек бўлди.

— Э, сиз учун ичсам ичавераман-да, — деди кўнгли ёришиб. —Бундай жойларда сиз билан бўлиш тушимга кирибдими?

Ойдин бирдан Холиққа томон эгилиб, сўради:

— Сиз мени шунақа яхши кўрасизми?

Йигитнинг димоғига мушку-анбар аралаш коньяк ҳиди гуп этиб урилди. Холиқ унинг оққуш мисол бўйни оша қулоғига секин:

— Яхши кўрмасам бу қоринбойлар орасида юрмасдим, — деди.

Ойдин шоколад юқмаган бўлсаям юпқа лабларини рўмолчаси билан артиб, кулди:

— Бу қоринлар давлат, қўйинг-чи савлат. Ҳар кимда ҳам бўлавермайди.

Бу гал Ойдин тагдор гапини юмшатмади, аксинча ҳамон ўртада муқом қилаётган рақсосага завқи келиб:

— Оҳ, бир ўйинга тушмаймизми? — деди ўрнидан тураётиб.

— Мен ўйнолмайман, — деди Холиқ хомуш бўлиб.

Ойдин индамай ўриндиқни айланиб ўтиб йигитнинг қўлидан тортди:

— Ўзим ўргатаман, — деди худди унинг ўйнолмаслигини аввалдан билгандек. — Ўзим ўргатаман, жоним.

Холиқ ялт этиб Ойдинга қаради. Кўнгли ийиб кетиб, бир амалларман, деб турмоқчи бўлди. Лекин шу битта «жоним»нинг ўзи ихтиёрини олаётиб, яна ўйлантирди: «Севмаган одамга шундай дейиладими?». Ўрнидан турмоқчи эди, рўпарасида юз-кўзлари оловдек ёниб, тебранганича бармоқ шақиллатаётган Ойдин ўртага қушдек учиб борди. Энди рақсоса иккита бўлиб, бир-бирларига қош қоқиб, қулоч ёйиб ўйнашарди. Бирдан Ойдин қанот қоқиб ашулачи олдига етди ва унга бир нарса деди. У эса жилмайиб бошин билан «маъқул» маъносини билдирди ва баралла куйлаб юборди:

Бола-бола боғдан келинг,
Бир айланиб томдан келинг,
Акагинамнинг феъли ёмон,
Бир айланиб шомда келинг.

Ўртага қиличдек тиқ қомат, кўйлакларининг енглари шимарилган икки йигит тушди. Тақа мўйловлиги Ойдинга, бошқаси бояги рақсосага нақ даҳан тираб, устларидан бир пачкадан ўн сўмликни сочиб юборишди. Кейин иккисиям лип этиб пулга чўмилган хонимларнинг хипча белларию, нозик белларидан тутиб ўрисча рақсни бошлашди.

Ойдин Холиқ томон назар ҳам ташламас, ногаҳон пайдо бўлган шериги билан тобора бирикиб борарди. Йигит тебраниб турибди, Ойдиннинг қулоғига нимадир деди. Ойдин бир жилмайди-да, қовоқ солиб нари кетди. Йигит яна унинг олдига ёйрғалади. Ойдин у билан минг йиллик қадрдонлардек эркин рақсга тушарди. Энди қиз товони билан йигит томон сурилиб келар, бунга сайин йигит қулочини ёйиб ортига тисариларди. Атрофдан «Э, яшанг, э, бормисиз!»га ўхшаган гаплар эшитиларди.

Холиқ аламзада ўтирар, ҳозир шарт бориб иккисининг ўртасига тушиб, «Қоработирга «Қани, қоч-чи» деб рақибини нари итариб ташлагиси келар ёки билганча ўйнаб Ойдинни ўзига эргаштиришни ўйлар ва булар қанчалик кулгили, ғариб ҳаракатлар бўлишини ўйлаб, баттар асаби ғалашарди. Бирдан ўрнидан турганда, ғандираклаб кетди. Шундагина маст бўлиб қолганини сезди. Сал чалишиб юриб, давра ўртасига чиқди. Ойдинга яқинлашди.

(Давоми 4-бетда).

ЭРКИН ҚУШ

(Қиссадан парча)

(Охири. Бошланиши газетанинг ўтган сонида).

— Юринг-з, — деди у қовоғидан қор ёғиб. — Бўлди!

Ойдин Холиқни кўриб кўзлари катта-катта очилиб кетди:

— Вой, сиз шу ердамисиз? — деди им қоқишдан тўхтаб.

Холиқ унинг оққуш мисол парвоз қилаётган билакларидан тортиб пастга туширди.

— Бўлди, юринг энди. — Кейин ўйлади: «Ё, тавба, шу гапни Ойдин айтаяптими? Ёки хаёлидаги фариштa?».

Қиз Холиқнинг қўлларини тутиб юқори кўтариб, ликиллаб ўйнашга чорлар, унга сайин Холиқ уни четга тортарди.

Бу орада «Қоработир» яқинларига келди ва Холиқнинг икки билагидан омбирдек қисди-ки, бу йигитга қаттиқ оғриқ бериб, беихтиёр Ойдинни қўйиб юборди.

— Ярамас-с-с! — деди Холиқ секин алам билан.

— Ким? — Холиқнинг икки қўлларини осмонда тутганича сўради йигит. — Ким, ака?

— Сен!

Йигит кекирдагини тобора чўзиб келар, ҳамон рақсга тушиб, қайта сўрарди:

— Ки-и-им? Ўйнашга ярамаган сенми ё мен?

Иккисининг ўртасида Ойдин пайдо бўлди.

— Юринг, Холиқжон, — деди истамайгина.

Шу пайт «Қоработир» рақибининг қўлларини қўйиб юборганда, Холиқ ўнг қулочини ёйиб уни урмоққа чоғланди.

— Э, онангни эмгурнинг боласи!

Ойдин уни елкалари аралаш қучиб олди:

— Қўйинг, Холиқжон, жоним.

Албатта бу тўқнашувни биров кўрди, биров йўқ. Негаки кўпчиликнинг миясн анча қизиб қолган, томошадан кўра ўзаро суҳбатни маъқул кўриб қолишганди.

Биргалашиб жойларига бориб ўтиришди.

— Сиз шунақамисиз? — сўради Ойдин Холиққа ёпишиб. — Вой худойим-ей.

— Кўрмайсизми ўзини, — Холиқ қовоқ солди. — Елимга ўхшайди-я, ярамас.

— Рашкингиз ёмон экан.

— Энди билдингизми? Тўппонча бўлганда отардим.

— Қўйинг, бола-чақаси бор уни.

— Сиз уни танийсизми?

— Вой худойим-ей, уни шаҳарнинг ярми танийди-ку. Палончи шеф дейишади.

— Шеф бўлса ҳамма нарса мумкинми? — бўғилди Холиқ.— Ахир аждодларимизда шарм-ҳаё, мусулмончилик деган нарсалар бор эди-ку.

Ойдин секин уф тортди.

— Аждодларимиз деб ўлиб кетарканмиз-да. — У рўпарасидаги «Белий аист» коньягига қўл чўзди.

— Бундоқ қуйиб ҳам бермайсиз жентельменларга ўхшаб.

Холиқнинг астойдил жаҳли чиқди.

— Қиз бола нарса яна ичасизми? Қўйинг-э.

— Ичамиз, яйраймиз, — Ойдин парво қилмай қадаҳларни тўлдириб бирини Холиққа узатди.

— Э, бўлди-е! — Йигит қадаҳни тақ этказиб нари қўйди, кейин Ойдин олдидагини ҳам узоқлаштирди.

— Мен эркин қушман, — қиз қадаҳ томон талпинди. — Нима истасам шуни қи-ла-а-ма-ан, хў-жа-а-йин керакмас!

У бу гапларни ясама киприкларини пирпиратиб шундай беозоргина айтдики, натижада бу Холиққа оғир ботмади.

— Олинг, жоним, — деди йигитга бошқа қадаҳни тўлатиб узатар экан.

Холиқ бу сафар негадир қадаҳни тутиб оғзига яқин келтирди. Кўнгли айниб, тезда нари олди.

Ойдин кулди:

— Вой, худойим-ей, эркак киши...

Холиқ нафас олмай қадаҳни кўтарди: Ойдин суйкалди.

— Хафа бўлманг, мана мен ҳам ичаяпман-ку. — У бир қўлида артилган яримта шоколад билан коньякни ичди. — Қон бўлади бу.

Даврабоши ўртага тушиб алланарсалар дер, Холиқ гарангсиб ўтирарди.

— Хонимлар ва жаноблар, жим, — деди хириллаганича микрофонни чертиб. — Битта таклиф бор. Ўйлаймизки, бунга қўшилмайдиганлар топилмас. Айтайми ё йўқми?

— Айтинг, айтинг. —деди боядан бери ғала-ғовур қилаётганлар.

— Бўлмаса бир зўр ўйин ўйнаймиз, — даврабоши тўхтади. — Ё айтаймми?

— Э, айтинг деяпмиз-ку, айтинг-де.

Айтганимдан кейин шартига рози бўласизларми?

— Э, розимиз, розимиз.

— Хотин-қизларчи?

— Э, улар ҳам рози!

— Йўқ, ўзлари айтишсин.

Бирпас жимлик чўкди. Аёллар бир-бирлари билан пичирлашиб кулишди. Ойдин мастона сузилиб ўрнидан турди:

— Ахир Олтинбек Мавлоновичдек бир зот бизга ёмонликни раво кўрмас.

— Э, тўғри, — дейишди аёл-эркак аралаш.

Даврабоши микрофон симини бир силтаб ўртани айлана бошлади:

— Унда ўйин шарти шуки, ҳамма бир минутга кўзини юмиб туради. Ким очиб юборса, юбилярнинг дўсти эмас.

— Э, бу қалтис ўйин экан, — дейишди яна эркагу аёллар. —Олтинбек Мавлоновичдан айрилиш, бу — улкан йўқотиш.

— Нафасингизни иссиқ қилинг-э, яхшиси чироқни ўчира қолайлик, — деди кимдир. — Шунда ғирромлик бўлмайди.

— Тўғри, тўғри, — деган овозлар келди.

Ранго-ранг лампочкалар ўчиб, коронғилик чўкди. Атроф дов-дарахтлар билан ўралгани учун юлдузлар шуъласи ҳам етиб келмасди. Даврабошининг овози микрофонсиз бўғиқ пичирлаб чиқди:

— Сўз сизга, қадрдонимиз Олтинбек Мавлонович.

Бир минут ўтди ҳамки Мавлонович жим. Қиқир-қиқир кулгу овози эшитиларди, холос. Бир пайт Холиқ Ойдиннинг ўрнидан туриб ортига ярим ўгирилганини, кейин унинг боши аллакимнинг боши билан яқинлашганини сезди. Чўлп этган овозни эшитди.

Шарпа тез орада кўздан йўқолди.

Бироздан кейин чироқ ёнди.

— Офарин, Олтинбек Мавлонович! — деди даврабоши. Сабри бардошингизга балли-е.

Мавлонович бағоят марҳамат кўрсатган одамдек таъзим ила «Офаринни менга эмас, ширин совға берган сеҳибжамолларга айтинг ва яна айтингки, каминаи камтарин бундай совғаларни бўлак кунлар ҳам олишга тайёрдир», деди.

Боши айланаётган Холиқ баралла сўкиниб:

— Вой, падарингга лаънат сенларни! — деди. Кейин ўқчиди. — Вой, яремаслар!

У ўрнидан чайқалиб туриб девра тўри томон юрди. Икки алп қомат йигит шип этиб унинг қўлтиғидан олишди-да, четга — арчазор панасига судрай бошлашди.

— Тегманг унга! — қичқирди Ойдин улар томон шошиб.— У мен билан келган.

Йигитлар тўхтаб ўгирилишди.

— Сиз билан? Сиздек бир гўзал билан шу алкаш келдими?

— У алкаш эмас! У яхши одам!

— Яхши одам бировнинг тўйида тўполон қиладими?

Ойдин эўраки жилмайиб қўл силтади:

— Бунақа жойларни кўрмаган. Ҳазилниям билмайди.

— Қишлоқи! — деди алп қоматлардан бири. — Қайси чўлда ўсган?

— Қани гапни айлантирманг, ёнимга ўтказингчи, —пўписа қилди Ойдин.

— Кайфим ошди-а? — Холиқ бошини эгиб сўради.

Ойдин қайноқ чой узатди.

— Бунақа меҳмондорчиликка йўқ экансиз, — деди секин.

— Менга... Кечаги Ойдин керак.

Қиз ҳаҳолаб кулди:

— Сиз жинни бўпсиз! Нима, рўпарангиздаги бошқа Ойдинми? — У кўзларини қисиб боқди.

— Бошқа. Ичадиган, кейин... бегонага лаб тутадиган.

Ойдин юзига тушган сочларини бошини бир силкиб нари қилди.

— Яна ўша гапми? Ҳаётдан орқада қопсиз!

— Кетдим, — деди Холиқ қўзғалиб. — Худо хайрингизни берсин, мени тинч қўйинг.

Қиз титраб кетди:

— Сизга ёпишиб олганим йўқ. Тўрт томонингиз қибла.

* *Янгиликдан хабарингиз борми?*

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»— ҲАМРОҲИНГИЗ

КУНИ кеча Республикамизда ўзига хос янги матбуот нашри — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» журналининг фаолият бошлаганлигига бағишланган матбуот конференцияси бўлди. Унга йиғилган журналистлар, радио ва телевидение ходимлари олдида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Арслон Ғойибович Рўзметов маъруза қилди.

— Миллий авиакомпания сифатида мустақил равишда фаолият бошлаганимизга ҳам бир йилдан ошди. Ўтган қисқа вақт ичида жуда кўп ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик, — деди у. — Жумладан, ҳозир самолётларимиз Тошкентдан бир нечта Осиё ва Шарқ мамлакатларига мунтазам қатнамоқда. Европа сифатида эса Лондонга «дарча» очдик. Шуни ҳам қувонч билан таъкидлаб ўтиш жоизки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниямизнинг ваколатхоналари Исроил, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Хитой каби жами ўнта йирик мамлакатларда иш юритмоқда. Ҳозирнинг ўзида Бирлашган Араб Амирликларига ҳафтасига тўртта, Истамбул шаҳрига эса иккита ҳаво рейслари қатнамоқда. Яқин келгусида эса Ғарбий Германиядаги Франкфуртна-Майне ва Таиланд пойтахти Бангкокка ҳаво йўлини очиш ҳам режалаштирилмоқда.

Хорижда эса лизинг бўйича Ил—86 ва юк ташувчи самолётларимиз фаол хизмат қилишмоқда.

Дарҳақиқат, амалга оширилаётган ишлар жуда салмоқли. Ва унинг самараси ўлароқ миллий авиакомпаниямиз самолётларида ажойиб безатилган янги журнал пайдо бўлди. У Ватанимизга ташриф буюраётган хорижлик йўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг ҳаёти билан яқиндан танишишга имкон яратади.

Йиғилганлар саволига янги реклама журнали бош муҳаррири З. И. Моргачёва ҳамда авиакомпания бош директорининг давлат назорати ва мувофиқлаштириш бўйича ўринбосари В. Н. Тянлар ҳам жавоб қайтаришди.

— Ҳозир биз мустақил давлатда яшаяпмиз, — деди З. Моргачёва. — Ва бу ҳорижлик йўловчилар учун ўзимиз ҳақимизда иложи борича кўпроқ ахборот беришга ундайди. Бу борада журнал ва бошқа нашриёт маҳсулотларининг роли муҳимдир. Журналимизда фақатгина авиакомпаниямиз эмас, балки республикамизнинг ҳаёти, унинг иқтисоди, илм-фан ва маданияти ҳам кенг ёритилади. Бу эса, фикримизча, ИКАТО ва ИАТО ташкилотларининг аъзоси бўлмиш Ўрта Осиё минтақасидаги энг йирик авиакомпания билан яқиндан танишиш учун катта истиқболлар очади. Ҳозир Малайзияда чоп этилаётган журнал рус ва инглиз тилларида чиқмоқда. Уни ўзбек тилида ҳам чоп этиш масаласи эса тез орада ҳал этилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, йилнинг ҳар бир чорагида чиқадиган журналнинг иккинчи сонида ҳам ишбилармон ва тадбиркор кишилар учун қўпгина қизиқарли материаллар бор. Ундан серқуёш ўлкамиз табиати, унинг урф-одатлари, аҳолиси ва албатта авиакомпания тўғрисида ҳикоя қилувчи мақола ва лавҳалар ўрин олган.

50 минг нусхада чиққан янги реклама журналининг жуда қизиқарли ва ранг-баранг чиққанлиги эътиборга моликдир. Айниқса Ўзбекистон пойтахти — Тошкент ҳаёти хусусидаги, мустақил Республикамиз ҳаво транспортининг ривожланиш истиқболлари ҳақидаги мақолалар кўпчиликнинг диққатини ўзига тортади. Ундан шунингдек, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, «Ўрта Осиётранс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси, реле ва автоматика заводи ва бошқа корхона ва ташкилотларнинг рекламаси ҳам ўрин олган.

Журналнинг очилишига бағишланган маросимда шунингдек, миллий авиакомпаниямиз ваколатхонасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида очилиши, Россия билан авиация соҳасидаги ҳамкорлик юзасидан ҳукуматлараро битим ҳақида, Германия, Исроил, Ҳиндистон, Туркия мамлакатлари авиакомпаниялари билан ўрнатилган алоқалар хусусида ҳам савол-жавоблар бўлди.

Эътибор АББОСОВА.

СУРАТЛАРДА: матбуот конференциясида.

Рустам Шарипов суратлари.

БУГУНГИ кунда республикамизнинг ҳар бир вилоят ва шаҳарларида давлат божхона комитетининг бошқармалари фаолият кўрсатаётганлиги айни муддао бўлмоқда. Бу галги ҳикоямиз шаҳримиздаги ана шундай маҳкама ходимлари томонидан амалга оширилган ишлар хусусида.

Тошкентнинг Юнусобод даҳаси, Амир Темур кўчасидаги 121-уй, 29-хонадонда истиқомат қилувчи А. Х. Валеев Татаристонга кўчиб кетиши муносабати билан уй-рўзғор буюмларини ортиш учун темирйўлчиларга контейнер буюртма қилганлиги сабабли белгиланган куни унинг ихтиёрига 253500-рақамли контейнер юборилган экан. Шумилов номидаги темир йўл бекатида милиция майори Нормат Вафоев бошчилигидаги ходимлар томонидан ўтказилган текшириш натижасида фуқаро А. Валеев ўзи айтганидек, «уй-рўзғор буюмлари-ю, бирозгина егулик эмас», оз эмас, кўп эмас 45 та идишда қуюлтирилган сут, бир қути печенье, 20 қути қанд, 14 қути кўк нўхат, 45 қути қуритилган мол гўшти, 24 шиша салқин ичимликлар, 35 литр мой, ҳинд чойи, турли хил совунлар, 19 шиша пахта ёғи, 50 килограмм Вьетнам гуручи, 30 қути «Бион» номли кир ювиш воситаси каби жами 45 минг сўмдан ортиқ турувчи турли танқис маҳсулотларни яширин йўл билан олиб чиқиб кетмоқчи бўлганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари божхона ходимлари томонидан собиқ Иттифоқнинг турли бурчакларидан келаётган фойдаталаб келгиндиларнинг ҳам томири қирқилмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик.

21 ёшли, ҳеч қаерда ишламайдиган олмаоталик Н. Ибрашев исмли йигит сайру саёҳат айлаб шаҳримизга келган экан. Қуруқ қўл билан қайтмай деб қайсидир тижорат дўконидан 70 минг сўм тўлаб 35 қути «Марлборо» сигаретидан харид қилиб, Омск шаҳрига борувчи 373-рақамли поездга ўтирганда милиция ходимлари томонидан ушланди.

Худди шундай воқеа Тошкент — Иркутск йўналишида қатнайдиган поездга чиққан Красноярск фуқароси ўз юртига «Доката» деб номланган Америкада ишлаб чиқарилган сигаретдан 47 қути, Кореяда тайёрланган спорт оёқ кийимидан бир жуфтини қонунсиз йўл билан олиб кетмоқчи бўлаётганда содир бўлди.

«Шимолий» вокзалнинг кутиш залида давлат божхонаси ходимлари Семипалатинск шаҳридан келган «меҳмон»ни юкларини текшириш учун навбатчилар хонасига таклиф қилдилар. Текшириш мобайнида ушбу «ишбилармон» шахснинг жомадонида Тошкент ширкатларида тикилган 113 дона эркаклар кўйлаги, эркакларнинг 10 дона иссиқ устки кийимлари, аёлларнинг 1 жуфт оёқ кийими, эркакларнинг 4 жуфт туфлиси, 4 дона болалар костюми, жами 41 минг 390 сўмлик маҳсулот борлиги аниқланди.

Новосибирск шаҳрига жўнаб кетаётган шу шаҳар фуқароси Наталья Миронова 41 дона «Карьера» номли, 3 дона бошқа фирмаларда тайёрланган шимлар, 1 дона аёллар кўйлаги, 1 дона куртка билан қўлга олинган бўлса, Иркутск шаҳри йўналишида қатнайдиган 199-сон поездга ўтирган 25 ёшли россиялик Сергей Прудкин осилсанг баланд дорга осил, деган ўй билан жами 140 минг сўмлик маҳсулотни юртига олиб кетмоқчи бўлаётганда тумшуғидан илинди. Унинг жомадонидан 11 та Канада, 6 та Югославияда тикилган куртка чиққан.

Кўринниб турибдики, юқорида номи зикр этилган шахсларнинг барчаси собиқ Иттифоқнинг турли шаҳарларидан келганлар. Уларнинг бетакаллуф ташрифи эса халқимизнинг ризқини қияди, холос. Шундай экан, уларнинг пайини қирқиш давлат божхонаси ходимларидан тортиб оддий фуқароларгача — барчамизнинг вазифамиз бўлмоғи керак.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

* *Шаҳар бедарвоза эмас*

Бетакаллуф ташриф



Хўроз йилнинг «хўрозлари». Андрей Пишненко сурати.

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

РЕСПУБЛИКА умумтаълим мактаблари ва ҳунартехника билим юртлари ўқувчиларининг навбатдаги ўн биринчи спартакиадасига тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Чаққонлик ва маҳорат кўригини ўтказиш юзасидан қатор йўриқнома ва ҳужжатлар тайёрланди. Бу ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларга спартакиадани ўтказиш штаби бошчилик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан республика жисмоний тарбия ва спорт давлат комитети биргаликда ўтказаётган бу спартакиада тўрт босқичда амалга оширилади. Ана шу жараёнлар бўйича тегишли дастурлар ҳам ишлаб чиқилди.

Штабнинг яқинда бўлиб ўтган биринчи йиғилишида спорт байрамини ўтказишга қаратилган бир қатор муҳим тадбирлар белгиланди. Унда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, жисмоний тарбия ва спорт давлат комитети раисининг ўринбосари К. Юсупов ва бошқалар сўзга чиқиб, спартакиаданинг муваффақиятли ўтишига доир қимматли маслаҳатларни бердилар.

Саодат ОДИЛОВА.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

27 февраль соат 18.00 да

Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти

Бобомурод ҲАМДАМОВ КОНЦЕРТИ

Концертда раққосалар Муяссар ПИРМЕТОВА, Элмира НОРБОЕВА қатнашадилар.

Концерт дастурини Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Чипталар Халқлар дўстлиги саройида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда. Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

БИРИНЧИ МАРТА

1993 йил 24 февралдан

МОСКВА — ЖАНУБИЙ АМЕРИКА — МОСКВА»

Москва лилипутлар циркининг Гастроллари

ДАСТУРДА:

ҲАВО ГИМНАСТИКАЧИЛАРИ, МУАЛЛАҚВОЗ (эквилибрист)ЛАР, ҲУҚҚАВОЗ (жонглер)ЛАР, АКРОБАТЛАР, ВЕЛОСИПЕДЧИ ФИГУРИСТЛАР, ҲАЛҚА УЙИНЛАРИ, УРГАТИЛГАН ИТЛАР, БУҒМА ИЛОНЛАР БИЛАН ОЛИШУВ, шунингдек, МАСХАРАБОЗЛАРНИНГ ЧИҚИШЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ.

Томошалар соат 17.00 да, шанба кунлари — 14, 17.00 да; якшанба кунлари — 11, 14, 17.00 да бошланади.

Касса соат 10 дан 18.00 гача ишлайди.

Оммавий талабномалар қабул қилинади.

Қишлоқ жойларидан тушган талабномалар бўйича навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.

Фойеда шошилинч суратқашлик устахонаси бор.

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ш А Р Қ»

НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Босма маҳсулотларининг қуйидаги турлари бўйича шошилинч ва оддий буюртмаларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати 84×108 1/32, 70×108 1/32, 84×108 1/16, 70×108 1/16;

— рангли буклетлар, проспектлар, болалар учун мўлжалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлиқ (этикетка)лар, откриткалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60×45 дан 90Х120 см. гача;

— рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;

— буюртмачининг картонидан ясалган рангли қутичалар;

Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғоз ёки босма материалларни топишда қийналсангиз, хотиржам бўлинг, Сизга уни биржа орқали харид қилишга ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларнинг тайёрланиш муддати қуйидагича:

тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача,

асл нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача.

Қлише, шильда, бланк, канцелярия дафтарлари концерн қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

«Узтрансспецстрой» ҳудудий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ҚУРИЛИҚ АСФАЛЬТ-БЕТОН ЗАВОДИГА

доимий ишга

МАЛАКАЛИ ИШЧИ ХОДИМЛАР:

5—6 разрядли электрчилар

КЕРАК

Завод ўзи ишлаб чиқарган асфальт массасини етказишга доир ободонлаштириш ишларини бозор нархларидан арзонроқ баҳода бажариб беради.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Толариқ кўчаси, 40-уй (23, 119-автобусларнинг «АБЗ» бекати; 26, 30, 61-автобусларнинг сўнгги, «Янгиобод» бекати).

Телефонлар: 90-31-95, 98-42-80 — завод директори; 98-63-86 — расмийлаштириш бўлими.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлиқ уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.

■ Нашр кўрсаткичи 64690 ■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 12.10 Буюртма Г—67 ■ 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10